

# УМР ҒАНИМАТДИР, ЯШАШ — САОДАТ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

# ЎСТИҚВОЛ ҲАМ ҲАҚ

Ватан ягонадир,  
Ватан биттадир

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 22 июл № 29 (8471)

## Муҳим ахборотлар

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида инвестициялар жалб қилишни янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.**

\*\*\*

**Экология ва жамоат тартибини сақлаш соҳаларидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қонун қабул қилинди.**

\*\*\*

**Икки муқаддас масжид ходими – Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Марказий Осиё - Кўрфаз араб мамлакатлари ҳамкорлик кенгаши” форматдаги биринчи саммитда иштирок этиш учун жорий йил 18-19 июл кунлари Жидда шаҳрида бўлди.**

**Олий даражадаги учрашувда Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Баҳрайн Подшоҳлиги, Қатар Давлати, Кувайт Давлати, Бирлашган Араб Амирликлари, Ўмон Султонлиги, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркменистон раҳбарлари ҳамда кенгашининг бош қотиби иштирок этди.**

**Кун тартибига мувофиқ, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.**

## ВАТАН ИЧРА “МЕН”И БЎЛСИН ҲАР КИМНИНГ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).

Бу ёруғ олам ИНСОН аталмиш онгли мавжудот шарофатидан пойдордир. Ҳазрати инсон тўғрисида тароққиёт бардавом, эзгуликлар бисёр, баъзан бузғунчиликлар ҳам бордир. Небахтки, одам авлоди яралшидан бунёдкорликларга мойил. Акс ҳолда кечаги кун аввалгилардан гўзалроқ, тароққиёт илдамроқ, турмуш тарзи замонавийроқ бўлиб бормасди.

Ҳақиқатан ҳам инсон аталмиш онгли мавжудотнинг ақл-у заковати тўғрисида яшашда маъни бор. Одам зотиға бир мартагина



бериладиган умр аталмиш неъматнинг қадрини билиб, унинг лаҳзаларидан-да ҳаққини олиб қолишга интилаётганлар ўз рутбасини бош узра тутаятганлардир ва улар сафида бўлмоқлик буюк саодат. Ватан ичра кичик ватани бўлмиш оиласининг урдасидан чиқаятган, муносиб фарзандлар ўстирган ва ўстираётган ҳар



бир бобо-буви, ота-онанин “мен”и юртини-юрт қилаётганлар шашт-у шижоатида, улғайиб бораётган авлодларнинг чақноқ кўзларида, қатъиятли сўзларида, интилишларида акс этиб турибди.

Тароққиётни тезлаштираётган олим-у кашфиётчилар, она заминни ризқ манбаига айлантираётган

## Сайловдан кейинги ўйлар

деҳқон-у соҳибкорлар, шу юртнинг бирини икки қилаётган тадбиркор-у ишбилармонлар, қўли гул ҳунарманд-у қурувчилар, болаларга ҳарф танитиб, қалбига зиё олиб қираётган мураббий, муаллимлар, эл дардига дармон бўлаётган шифокорлар, қўйинги, ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган, ҳалол меҳнат қилаётган барча мутахассис, касб-хунар соҳиб-у соҳиббалари, кўча-хiebонларни ораста этаётганлар-да шу азиз Ватан ичра ўз “мен”ини кашф эта оляптилар. Улар ҳеч иккиланмай, “Юртим тароққиётида менин ҳам ҳиссам бор!” дея баралла айта оладилар.

Давоми 2-бетда

## Ташаббус: ўқитувчи ва мураббийлар саломатлиги ойлиги давом этмоқда

# ҒАМХЎРЛИК

Соғлиқни сақлаш вазирининг шу йил 12 июл кунги топшириғига кўра, янги ўқув йили олдидан республика мактабгача таълим муассасалари ҳамда ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида 12 июлдан 10 августгача “Ўқитувчи ва мураббийлар саломатлиги ойлиги” ўтказилмоқда.

Туманимизда ҳам инсонга ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир намунаси бўлган тадбирни кўнгилдагидек ўтказиш учун режа белгилаб олинди. Туманда 5913 нафар ўқитувчи ва мактабгача таълим ташкилоти ходими бўлиб, режага мувофиқ, кунига 227 нафар ходим вазирликнинг “Аҳоли орасида профилактик кўриклар, скрининг дастурлари ва патронажни амалга

оширишни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги” бўйруғи талаблари асосида чуқурлаштирилган кўриқдан ўтляпти. 18 ёшдан 40 ёшгача ходимларнинг 100 нафардани, скрининг ўтказиш зарур бўлган 40 ва ундан юқори ёшдаги ходимларнинг 128 нафари кўриқ қилинапти. Кўкрак беши саратонига гумон қилинаётган 147 нафар ходимдан ҳар куни 6 нафардани скрининг назоратидан, сил касалликлари бўйича хавфли гуруҳга мансуб ходимлардан 64 нафари флюорография текширувларидан ўтказилмоқда.

Касаллик аниқланган ходимлар кўрсатмага асосан амбулатор ва кундузги шифохоналарда даволанмоқдалар. Уларга бепул дори-дармонлардан ёрдам кўрсатилляпти. Сурункали касаллиги бор устоз ва мураббийларни соғломлаштириш режалари тузилган. Айни



пайтда ойлик доирасида зиёлилар ўртасида соғлом турмуш тарзи мавзуларида мунтазам суҳбатлар ўтказилляпти.

Бу ташаббуснинг ижтимоий аҳамияти беқиёсдир. Тадбир шарофатидан ҳар қандай хавфли ҳасталик дастлабки босқичида аниқланса, уни даволаш осон ва асоратсиз кечади. Уғил-қизларимизни тарбиялаб, уларга билим бераётган устоз ва мураббийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш сари бошланган хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаб, ойликни муваффақиятли ўтказишга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

**Ойбек МУРОДОВ,**  
туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

**Суратларда: туман тиббиёт ва таълим мутасаддилари кўриқ қандай ўтаётгани ҳақида суҳбатлашмоқдалар; кўриқ пайти.**

**Б. РЎЗИОХУНОВ** олган суратлар.



УШБУ **2** \* Сайловдан кейинги ўйлар  
СОНДА: \* Бола ҳуқуқлари – ҳимояда

**3** \* Саодат калити – оилада  
\* Билим ва маҳоратга чорлаб  
\* Қарор ва ижро

**4** Маънавият  
\* Аҳли дониш дейдиларки...  
\* Эзоп  
\* Билиб қўйган маъқул

Сайловдан кейинги ўйлар

## ВАТАН ИЧРА “МЕН”И БЎЛСИН ҲАР КИМНИНГ



Давоми. Боши 1-бетда.


Ҳадиси шарифда битилган “Ватан суймак иймондандир” ҳикмати бизларга бир умрли сабоқдир. Ҳаётини пок ният, ҳалол меҳнат, тоат-ибодат, эзгу ҳиммат, олижаноб фазилат устига қурганлар икки дунё саодатига мушаррафдирларки, бундай одамлар Аллоҳнинг ҳузурига ёруғ юз билан қайта оладилар. Ахир бир куни бу ҳақиқатга ҳар бир инсон дуч келади-ку! Лекин...

Камчилик бўлса-да, орамизда бу синовли дунёга инсонлик даражасига лойиқ бўлиб, зиммадаги бурчни адо этиш учун келганини унутиб қўяётганлар йўқ эмас. Уларнинг энг олд қаторига ўз зурриётини танимаган ва тан олмаган ота ёки онани, уни моддий таъминлашдек қонуний ва албатта, шаръий бурчини унутиб қўяётганларни киритса, адолатдан бўлур. Фарзандининг фарзандига бошпана бермасликнинг иложини ахтараётганлар борлигига нима дейсиз?

Ватан ичра ватани бўлмиш оиласида ўз “мен”ини тополмаётганлар боисдирки, ажримлар, айниқса, фарзандлари бўла туриб, пароканда бўлиб кетаётган кўрғонлар кўпайса-кўпайяптики, камаймаяпти. Томирида ўз қони оқиб турган фарзандлардан айро туриб, бошқа жуфт ахтараётганлар тегирмонига шаръий никоҳ ўқиш орқали сув қуяётганлар инсоний, қолаверса, фуқаровий бурчига хиёнат қилмаяптиларми?! Улар чой-чақа учун савоб дея тутаяётган йўллари гуноҳ эканлигини, наҳотки, англамайдилар?! Фарзанди билан аро йўлда қолаётган биринчи никоҳдаги аёлнинг розилигини олишдек шаръий ҳукми адо этмаётган мулла гуноҳга доҳил эмасми?! Қолаверса, яшаб турган юртининг қонуний ҳукмларига амал қилиш унинг фуқаролик бурчи-ку!

Ҳуқуқий давлатда шундай чаламулла-ларга қонуний чора кўрилмаётгани тааж-жубланарлидир. Ахир бундай кимсаларга, керак бўлса, жиноий жавобгарлик даражасига жазо бор-ку!!!

Тўрт мучаси саломат бўла туриб, тиланчилик қилаётганларни Ватан ичра ўз “мен”ини бой бераётганлар тоифасига киритиш мумкин. Турли зиёратгоҳларга, табаррук қадамжоларга, хайит-байрамларда мачит ва қабристонларга ин қуриб, тиланчилик қилаётганларни учратганда, виждони уйғоқ ҳар қандай одам хижолат тортади, айниқса, бошқа юртдан келган меҳмонлар олдида.



Меҳнат қилса-қилгудай ёшда, жисмоний саломат инсонларнинг хонадонма-хонадон садақа сўраб юришига нима дейсиз?! “Оёқ-қўлингиз бут, куч-қувватингиз бор, шу ризқни меҳнат қилиб топсангиз бўлмайди?” деган саволингиз бундайларга ҳамиша ёқмайди. Инсонлик рутбасига хилоф иш тутаяётган бундай кимсалар юрт шаънига соя ташлабгина қолмай, бу беш кунлик дунёдан гуноҳларнигина ортмоқлаб қайтишларини ўйлармикинлар?

Орамизда ўғирлик, фирибгарлик, фоҳишалик, қаллоблик, зўравонлик ортидан кун кўраётганлар, афсуски, ўн минглардан бир бўлса-да, йўқ эмас. Уларнинг юздан, балки мингдан бири қонун қармоғига илинар. Нима иш қилаётгани номаълум, аммо сиртини силаб, доимо форум кийиниб юридиган, егани—олдида, емагани—ортида бўлган ва яқиндагина қонун қармоғига тушган, биз узоқдан танийдиган эркак сўзини бермаётган онаси, аёли, фарзандлари, маҳалла-кўйи, бутун жамоатчилик олдида ким бўлди энди?! Айтишларича, фирибгарлар уюшиб, йўқ МЧЖни бор қилиб, банкдан катта миқдорда кредит олиб (кредит берганлар ҳам шерикми, дейсиз-да), “ҳазм” қилиб юборишган экан. Ҳаром томоқ бир кун эмас, бир кун тешиб чиқади-да! Инсонлик “мен”ини шу тариқа бой берганлар жиноятга яраша жазо олиши тайин. Аммо Олий ҳакам ҳузурдаги мангу жазо-чи?! Афтидан улар бу ҳақиқатни унутган кўринадилар.

Тани-жони саломат, меҳнатга қобилиятли бўла туриб “давлатдан юлиб қолсам” дея “бер-бер”га ўрганганлар, таъмагирлар, шу юртнинг фидойиси ниқобини кийиб, аслида коррупция ботқоғига ботиб бораётганлар, порахўрлар, бир сўз билан айтганда, ризқини ҳалоллаб топмаётганлар инсонлик даражасини исроф этаётганлардир. Бу исрофнинг хунини тўламоқ оғир, ниҳоятда оғир кечиши бор гап.

Небахтки, тақдиротимизга жаннатмонанд юртда яшамоқлик насиб айлади. Бундан ўттиз йил илгари Туркиянинг Истанбул шаҳрига турист сифатида борганимизда, елкасига осиб олган мешдаги оддий ичимлик суви бир финжонини ўша пайтда бир долларга сотиб юрганларни кўриб, ҳайратланганмиз. Она заминимизда унаётган неъматларнинг лаззати ҳеч ерда йўқ. Ҳалол меҳнат қиламан, ўқиб-изланаман деганларга ҳамма имкон бор. Йўқдан бор қилаётган тадбиркорлар, моддий неъмат бунёд этаётганлар, дунё ареналарида юрт байроғини баланд кўтараётган спортчилар, барча соҳа фидойилари, муддатидан илгари хориждаги мартабали олийгоҳлар талабаси бўлган ёшларга ҳавас қилмай бўладими?!

Энди халқимиз ўзи танлаган раҳнамо билан янги Ўзбекистоннинг келгуси етти йиллиги сари дадил қадам ташлади. Бу йўлнинг равонлиги, кўзланаётган олижаноб мақсадларнинг рўёби, интилишларнинг самараси, Ўзбекистоннинг шаъни-шавкати шу юрт фуқароси, у эртамиз бунёдкорларини тарбиялаётган ота-онами, раҳбарми, оддий ходим ёки ишчимми, пок нияти, ўз вазифасини виждонан адо этиши, ҳалоллиги, юрт тараққиётига кушанда бўлаётган ҳар қандай иллатга қарши кураша билиши, хуллас, Ватан ичра ўз “мен”ини намоён эта олишига боғлиқ. Инсонлик рутбасини бош узра тутаяётганлар сафида бўлишга шошилиш, одамлар! Ахир умр ғаниматдир, яшаш—саодат.

**Хадичахон КАРИМОВА,**  
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Ҳуқуқшунос минбари

Бугунги глобаллашув даврида инсон, айниқса, бола ҳақ-ҳуқуқлари ҳимояси алоҳида долзарб масала сифатида йиллар давомида ислоҳ этиб келинмоқда. Шу ўринда мамлакатимизда айни пайтда амал қилаётган тартиб-қоидалар ҳақида маълумот беришни жоиз билдик.

## БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ —ҲИМОЯДА



Оила қонунчилигига биноан ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Бу мажбуриятни ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг маж-

буриятлари тенгдир. Шу билан бирга, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақлидирлар. Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, алимент суд томонидан тайинланади ва ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадидан қуйидаги миқдорларда ундирилади:

- бир бола учун — тўртдан бир қисми;
- икки бола учун — учдан бир қисми;
- уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси.

Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Бунда ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонунчилик билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Қонунчиликка кўра, вояга етган, аммо меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болалар учун ҳам ота-онадан алимент ундирилади. Бунда алиментнинг миқдори уларнинг оилавий ва моддий аҳволи ҳисобга олиниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланади. Болага алимент пули етмаса ёки камлик қилса, болаларнинг таъминоти учун қўшимча маблағ талаб қилиниши мумкин. Ота-она фавқулодда ҳолатлар (боланинг оғир шикастланиши, касал бўлиши ва бошқалар) туфайли келиб чиққан, боланинг таъминоти учун зарур бўлган қўшимча харажатларда иштирок этиши шарт. Қўшимча харажатларда иштирок этишдан бош тортган ота (она)дан суд уларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олиб харажатларни ундириши мумкин.

Алимент тўловчи чет элга ишлагани кетмоқчи бўлса, алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётганида алимент олувчилар билан келишув тузиши шарт. Келишувга эришилмаган тақдирда алимент олувчи алиментни бир йўла тўлаш, алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш ёхуд алиментни бошқа усулда тўлаш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Алиментлар олдиндан тўланган ёки гаров шартномаси тузилган бўлса, шахс алимент тўлаш тўғрисида келишув тузиш мажбуриятдан озод этилади. Алимент тўлаш мажбурияти келишувда белгиланган алимент мажбуриятлари тарафлардан бирининг ўлими, мазкур келишув муддатининг ўтиши ёки унда назарда тутилган бошқа асосларга кўра тугайди.

Суд тартибида ундириладиган алимент тўлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- бола вояга етганда;
- фойдасига алимент ундириладиган бола фарзандликка олинганда;
- алимент олувчининг меҳнатга лаёқати тикланганида ёки у ёрдамга муҳтож бўлмай қолганида (суд шундай деб тоғганида);
- алимент олувчи ёки алимент тўлаши шарт бўлган шахс вафот этганда.

Юқорида белгилаб ўтилган ҳар бир талаб ижроси давлат органлари томонидан қатъий назорат қилинади. Зеро, оила муқаддас саналган юртимизда гўдакнинг ҳаққига хиёнат қилишга асло йўл қўйилмайди.

**И. САЙТҚУЛОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси  
бошқарма катта прокурори.

Заковат-2023

## БИЛИМ ВА МАҲОРАТГА ЧОРЛАБ

Заковат беллашувларини қузатгансиз, албатта. Бу беллашув ҳар бир иштирокчидан у ёки бу соҳадаги билим даражасини ўстириш учун изланиш, интилиш, урганишни тақозо этади. Яқинда туман ҳокимлиги, Маънавият ва маърифат маркази туман бўлини маси, вилоят "Заковат" интеллектуал клуби ҳамкорлигида "Қийқи" МФИ маданият марказида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ўртасида уюштирилган беллашув ҳам иштирокчилар ва томошабинлар билимини оширишга хизмат қилди.

Беллашув аввалида туман ҳокими Илёсбек Новиков иштирокчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш манбаи бўлган тадбир иштирокчиларига муваффақият ва омад тилади.

Туман ички ишлар бўлими, Мажбурий ижро бюроси туман бўлини маси ҳамда Фарғона гарнизони

ҳарбий қисм жамоалари ўртасида муросасиз кечган беллашув ниҳоятда қизиқарли ва ҳаяжонли ўтди. Интеллектуал салоҳиятлар тарозига солинган беллашувда Мажбурий ижро бюроси туман бўлини маси жамоаси биринчи, ички ишлар бўлими жамоаси иккинчи, Фарғона гарнизони ҳарбий округи жамоаси учинчи ўринни эгаллашиб, туман ҳокими томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Беллашув иштирокчилари ва ишқибозлар марказимиз ходимлари томонидан ташкил этилган китоблар кўргазмасини томоша қилдилар.

**Ушбу суратлар беллашув жараёнида тасвирга туширилди.**

**Манзураҳон ТОШМАТОВА, туман ахборот-кутубхона маркази хизмати раҳбари**



"МУҚАДДАСЛИК ХИЁНАТНИ КЎТАРМАС" САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАНИ ЎҚИБ...

## САОДАТ КАЛИТИ—ОИЛАДА

БУ БОРАДАГИ ТАЖРИБАЛАР КЕНГРОҚ ЁРИТИЛСА

Охири пайтларда оммавий ахборот воситаларида ажралишлар, айро тушган тақдирлар ҳақида кўп сўз бораётгани бежиз эмас—турмушимизда учраётган турфа чигалликлар, ёш оилаларнинг мўртлиги ташвишланарли даражага етди. "Истиқбол йўли"нинг аввалги сонидан эълон қилинган "Муқаддаслик хиёнатни кўтармас" сарлавҳали мақола шу борада яна бир бор мулоҳаза юритишга ундаб, кўлимга қалам олдим. Зеро, унда келтирилган тақдирлар орамиздаги одамларга тегишлидир.

Ҳақиқатан, кейинги вақтларда ёш оилаларга дарз кетиши энг аввало ҳаётга энгил қараш оқибатида содир бўлаётгани сир эмас. Бунинг қатор сабаблари бўлиши мумкин. Биринчидан, фарзандларимизни эрта турмуш қуришга ундаяпмиз. Қизларимиз кези келса, мактабдалиқ чоғидаёқ унаштириб қўйиляпти ва улар ҳали балоғат ёшини ҳис қилмасдан, оила мактабини кўрмай туриб, тўғридан-тўғри келинлик оламига кирмоқдалар. Йигитларда ҳам шу ҳолат. Иккинчидан, "Тош келса кемириб, сув келса симриб, чидаб яшайсан!"—дегунчи ота-оналар қолмаяпти. Қизи келиб қолса насиҳат қилиш ўрнига, "ўтиравер, ўзи келади ялиниб", дея уни ёқлагувчилар йўқ эмас.

Менинг назаримда, кейинги пайтларда телевидениеда берилётган аксарият сериал, филмларда қайнона-келин муносабатларининг фақат салбий томонлари кўрсатилган ҳам айрим ёшлар, қатталарга ҳам ўзига хос тарғибот бўлаётгандай. Бундай "тарғибот"лардан сабоқ олаётган баъзи қайноналар ёки келинлар "шундай қилса ҳам бўлавераркан" деган маънода улардан гула кўтарётгандай бўляпти.

Ҳозирги замон ёшлари жуда зукко, замонавий технологияларни пухта ўзлаштирган, ижтимоий тармоқни беш қўлдек билади. Бу яхши, албатта. Бироқ, нега оила сирларидан хабардор эмаслар, оддий қадриятларимизни билишмайди? Инсоний бахт-саодатнинг асоси оилада, фарзандларда, тотув турмушда эканлигини нега ҳис қилишмайди? Худди мана шу нуқтада телевидение, бошқа оммавий воситалар йўналишини ўзгартириш керак, менимча. Яхшилиқни, муросани, оила билан боғлиқ азалий қадриятларни кўпроқ



ёритиш, халққа кўрсатиш керак. Қайнона-келин муносабатларидаги ижобий тажрибаларни оммалаштириш жуда муҳим, деб ҳисоблайман. Токи, ёшларимиз оила деб аталмиш муқаддас даргоҳнинг ортида дилбандлари учун умрини бахшида қилган ота-онаси, инсонлик ор-номуси, маҳалла-қўй олдидаги оубўси, пешона тери билан топилиб, тўй учун сарфланган маблағ турганини билиши, англаши керак.

Газетада ёритилган юқоридаги сарлавҳали мақолада ажрим йўлини тутиб, пушаймон бўлганлар тақдир баён этилгани айни мўддао бўлибди. Уйлайманки, ҳаётнинг шундай чорраҳасида турганлар уни ўқиб, тегишли хулоса чиқариб оладилар.

**Алижон СИДДИҚОВ, муштарий.**

Қарор ва ижро

## МАҚСАД — ЭПИДЕМИЯГА БАРҲАМ БЕРИШ

**Қарор моҳияти 2017 йилга бориб ОИВ инфекцияси онадан болага юқишига ҳамда 2030 йилгача ОИТС эпидемиясини бутунлай бартараф этишга қаратилгандир**

Кейинги йилларда ижтимоий касалликлар туркумига кирувчи ОИТС касаллиги ва унга қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йил бошида Президентимиз "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилганлиги бунга далилдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан илгари сурилган «95-95-95» стратегияси: яъни ОИВ ни юқтириб олган шахсларнинг 95 фоизи ўз мақомини билиши, беморларнинг камида 95 фоизини махсус ретровирусга қарши препаратлар (АРВТ) билан қамраб олиниши ҳамда махсус дори қабул қилаётганларнинг 95 фоизда вирус юкламасини аниқлаб бўлмайдиган даражага тушириш масалалари қарорга асос қилиб олинган.

Аҳоли ўртасида 2027 йилга бориб ОИВ инфекциясини онадан болага юқишига ҳамда 2030 йилга бориб республикамизда ОИТС эпидемиясига барҳам бериш ушбу қарорнинг мақсади этиб белгиланган.

Ушбу мақсадга эришиш учун ОИТСга қарши кураш маркази ва унинг туманлараро диагностика ла-

бораторияларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш, тест тизимлари ва ретровирусга қарши дорилар билан узлуксиз таъминлаш, мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, кенг тарғибот ишларини олиб бориш кўзда тутилган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимлигининг 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Кенг аҳолини, айниқса, хавфли хулқ атворга мансуб бўлган қатламларини (ғиёҳвандлар, пала-партиш жинсий ҳаёт кечирувчилар, мигрантлар) ОИВга лаборатория текширувлари билан қамраб олиш ишлари кучайтирилди.

Фарғона халқаро аэропортида, Марғилон шаҳар темир йўли вокзалида ва аҳоли гавжум жойлари: истироҳат боғларида, бозорлар худудларида кўчма лаборатория пунктлари ташкилланиб, аҳолини ихтиёрий, бепул, аноним тарзда экспресс тестлар ёрдамида текширувлар ўтказиш йўлга қўйилди. Текширувлар билан бир қаторда аҳоли ўртасида суҳбатлар ўтказилиб, маслаҳат-

лар бериб борилмоқда.

Вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази мутахассислари томонидан барча шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларининг бирламчи бўғин муассасалари ходимлари ўртасида республика Президентининг юқоридаги қарори мақсад ва вазифалари ҳамда Республика Соғлиқни сақлаш вазирининг ОИВ инфекциясига оид буйруғи ижросига бағишланган семинарлар ўтказилди. Тадбирлар жараёнида касалликни эрта аниқлашда аҳолини клиник кўрсатмалар бўйича ҳамда хавфли гуруҳларни ОИВга лаборатория текширувдан ўтказиш муҳимлиги таъкидланди. Олиб борилаётган ишлар натижасида аҳолини ОИВга лаборатория текширувлари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20-25 фоизгача ошди.

Бу борада вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази лаборатория комплекси ва унинг олтига худудий туманлараро диагностика лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Барча лабораторияларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, замонавий диагностика аппаратуралар билан жиҳозланди. Улар реактивлар, тест-тизимлари билан узлуксиз

таъминланмоқда, кадрларнинг салоҳияти оширилди. Вилоятнинг чегара худуди бўлган Сўх туманида ОИВ диагностика лабораториясини ташкиллаш режалаштирилди.

Эндиликда ОИВ юққан беморларга тиббий хизмат кўрсатиш ва АРВҚ билан даволаш ишларини ташкиллаш характердаги буйруқларга асосан янги талаблар бўйича амалга оширилмоқда. ОИВ инфекцияси ташхиси тасдиқланиши билан дарҳол беморларни АРВҚТ билан даволашни бошлаш йўлга қўйилди. ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларнинг ретровирусга қарши махсус терапия курслари билан қамраб олиш салмоғи ҳозирда 91 фоизни ташкил қилмоқда. Ретровирусга қарши махсус препаратлар билан узлуксиз таъминлаш учун етарли маблағлар ажратилган ва дорилар захираси яратилган.

ОИВ инфекциясига чалинган беморлар орасида вирусли, бактериал ва замбуруғ этиологияли ёндош касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш ва даволаш мақсадида улар зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминланмоқда.

Беморларнинг ижтимоий

ҳимоясини кучайтириш борасида тиббий, руҳий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкиллаш масалалари мониторинг ва назорат қилиб борилмоқда. Бу борада лойиҳа доирасида марказнинг мултидисциплинар командаси фаолият олиб бормоқда.

ОИВ инфекцияли болалар ижтимоий нафақа билан таъминланмоқда, бундай оналардан туғилган олти ойликкача бўлган болаларни куруқ сут аралашмаси билан узлуксиз таъминлаш ишлари амалга ошириляпти. ОИВ инфекцияси давоси ва профилактикаси масалалари бўйича чет давлатларда марказ мутахассисларининг малакасини ошириш ишлари режага қўйилган.

Вилоятимизда 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар режаси ижроси борасидаги ишлар давом этмоқда. Мақсад битта: у ҳам бўлса, 2017 йилга бориб вируснинг онадан болага юқишини бартараф этиш, шундан уч йил кейин эса мамлакатимизда бирор гўдак, аёл, эркак орттирилган иммунитет танқислиги вирусидан азият чекиб, ҳаёти хавф остида қолмаслигига эришишдан иборат.

**Авазбек АКБАРОВ, вилоят ОИТСга қарши кураш маркази бўлим мудир.**

Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,  
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.  
Алишер НАВОЙИ.

**Расулulloҳ (с.а.в.) ҳадисларидан**



Ҳожатларингизни иззатли нафс ила, яъни бировлардан хўр бўлмасдан талаб қилин-глар. Чунки ишлар тақдир билан (битиб қўйган йўсинда) амалга ошади. Яъни, ўзингизни хўрласангиз ҳам, хўрламасангиз ҳам, барибир, тақдирдаги бўлади.

**Абдуллоҳ ибн Буср (рози-яллоҳу анҳу)дан Ибн Асокир ривояти.**

Ризқни ернинг яширин қатламларидан қидиринглар.  
**Табароний ривояти.**

Никоҳни ошқора қилиб, унашиш (совчилик маросими)ни махфий ўтказинглар.  
**Умму Салама (рози-яллоҳу анҳу)дан Дайлабий ривояти.**

Аёлга ҳақдорлик жиҳатидан энг буюги эридир. Эркакка ҳақдорлик жиҳатидан инсоннинг энг буюги онасидир.  
**Ҳазрат Ойша (рози-яллоҳу анҳу)дан Ҳоким ривояти.**

Аёлларнинг баракалиси чиқими енгилларидир.  
**Ҳазрат Ойша (рози-яллоҳу анҳу)дан Аҳмад ривояти.**

Беш нарсани беш нарсдан олдин ғанимат бил. Ҳаётингизни ўлишингиздан олдин. Соғломлигингизни касал бўлишингиздан олдин. Бўш вақтингизни машғул бўлиб қолишдан олдин. Йигитлик пайтингизни кексайишингиздан олдин. Бойлигингизни камбағал бўлишингиздан олдин.  
**Ибн Аббос (рози-яллоҳу анҳу)дан Байҳақий ривояти.**

“2002 ҳадис”дан.  
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).  
“Мунир” нашриёти.  
Тошкент-2022 йил.

**Saboq bekati**



Аҳли дониш дейдиларки...

**ОДОБ-ЖАМИЯТ ҚОНУНЛАРИ ИЧИДА ЭНГ АҲАМИЯТЛИСИ**

Хулқ—ҳар қим ўз қиёфасини кўрсатадиган кўзгу.

**И. ГЁТЕ**

\*\*\*

Инсонда ҳамма нарса: юз ҳам, қийим ҳам, қалб ҳам, фикр ҳам гўзал бўлиши лозим.

**А. П. ЧЕХОВ**

\*\*\*

Доно кишиларнинг хулқ-атвори ақлдан, ўртамиёна одамларники тажрибадан, ўта нодонларники ноилоҳликдан, жониворларники эса табиатдан юзага келади.

**ЦИЦЕРОН**

\*\*\*

Одамларнинг хулқ-атвори китобдаги изоҳлар сингари уларнинг энг муҳим фазилатларини белгилаб беради.

**Д. ТОМАС**

\*\*\*

Фақат ақли ва қалби тоза кишигина тўла маънодаги яхши ва ишончли одамдир.

**К. Д. УШИНСКИЙ**

\*\*\*

Одоб—жамият қонунлари ичида

энг аҳамиятлиси ва энг ҳурматга сазоворидир.

**Ф. ЛАРОШФУКО**

\*\*\*

Яхши ишда доимо саховат ҳам, ўша ишни қилишга куч ҳам етарли бўлади.

**Ш. МОНТЕСКЬЕ**

\*\*\*

Инсон хулқ-атвор жараёнидир.

**А. ГРАМШИ**

\*\*\*

Доимо бирор иш қилишни жуда истаган пайтингизда тўхтаб, истаётган ишингиз яхши-ёмонлигини ўйлаб кўр.

Ишни ўйлаб кўргунча иккилан, ўйлаб кўргач, дадил бўл.

**Л. Н. ТОЛСТОЙ**

\*\*\*

Сенинг ҳар бир хулқ-атворинг бошқа кишиларга таъсир этади: ёнингизда инсон борлигини унутма.

**В. А. СУХОМЛИНСКИЙ**

\*\*\*

Ухламоқчи бўлганингизда кун бўйи қилган

барча ишларингизни бир аниқлаб олмагунча кўзингизни юмма.

**ПИФАГОР**

\*\*\*

Ақлли одам ўзгалар айбини кўриб, ўз камчилигини йўқотади.

**ПУБЛИЛИЙ СИР**

\*\*\*

Одамлар ғоялар билан эмас, хулқ-атвор билан яшайдилар.

**А. ФРАНС**

\*\*\*

Энг кичик, энг арзимас, энг сезилмас ишимизда ҳам бизнинг бутун характеримиз кўринади, ахлоқнинг кириб-чиқиши ҳам, ўтириб-туриши ҳам, сукут сақлаши ҳам, фаолияти ҳам ақлли кишиникига ўхшамайди.


**Ж. ЛАБРЮЙЕР**

“Тафаккур гулшани”дан.  
Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.  
Тошкент-1989 йил.



Ватан манзиллари

**Дунёнинг мумтоз файласуфлари**



**ЭЗОПНИНГ ВАСИЯТИ**

Энг аввало Тангрини муносиб тарзда улуғла. Кейин эса подшоҳни иззат қил. Устозингизни ота-онанг қаторида ҳурматла. Ота-онани сенга табиат ато этган бўлса, устозингиз сени ўз ихтиёри ила севади. Шунинг учун ундан икки қарра миннатдор бўлмагинг жоиз.

\*\*\*

Эртанги ишлар учун саломатлигингиз яроқли ва куч-қувватингиз етарли бўлишини истасангиз, кундалик таомингиз сифатли ва етарли бўлсин.

\*\*\*

Ёшингиз ўтиб қолганда илм олишдан уялма. Зеро, ҳечдан кўра кеч илм олмоқлик афзалдир.

\*\*\*

Пулнинг кўп бўлса қувонма, кам бўлса қуюнма.

**ЭЗОП МАСАЛЛАРИ**

Эмишқи, олов санами Прометей лойдан одам ясаётганда сув ўрнига кўз ёшлардан фойдаланган. Шу боис инсонга куч билан таъсир ўтказишга уриниш бефойда экан. Инсонни буйсун-

**Ақл-ақлдан қувват олар**

**РЎЗИНГНИ СОТ, РЎШНОЛИК ОЛ**

“Ризқингизни сот, рўшнолик ол, қолганига совун ол” (рўшнолик—ёруғлик, равшанлик, оқлик, поклик, бахтли, фаровон ҳаёт). Бундан ташқари, мазкур сўз “бировга яхшилиқ қилиб, ўз кўнглини равшан қилиш, бировга қилган яхшилигидан ўзи шодланиб, “кўнгли семириб”, ич-ичидан қувониб, фахрланиб юриш”, деган маънони ҳам англатади. Юқоридаги мақол билан: “Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, ҳатто ўзингизнинг кундалик ризқ-насибдангиздан кечиб ё турмушингизга яраб турган маблағингизни сарф қилиб бўлса ҳамки, рўшноликка эришиш, бировга кўлингиздан келганча яхшилиқ қилиб, унинг раҳматини, миннатдорчилигини олиш ҳаракатида бўл”, деган маънода насиҳат қилдилар.

“Ҳикматнома”дан.  
Тошкент-1990 йил.

**Билиб қўйган маъқул**



**МАККАЖЎХОРИ**

Доривор сифатида маккажўхори-нинг попуғи, дони ва поялари ишлатилади. Асосан жўхори попуғидан ўт хайдовчи ва қон тўхтатувчи восита сифатида фойдаланилади. Дони истеъмол қилинса, ёшартирувчи хусусиятга эга. Жўхори донларининг майдалангани эса организмдаги хавфли ўсмаларни ўсишдан тўхтатишга кўмаклашади.

Кўп даврлардан буён маккажўхори попуғидан тайёрланган дамлама жигар хасталикларини (жигар ва ўт йўллари шамоллаши, гепатит сингари) даволаб тузатишда қўлланади келинган. Замонавий тиббиётда эса маккажўхори попуғи дамламаси жигар хасталикларини асорати саналган холангит ва холециститни даволашда буғурилади.

Маккажўхори попуғидан тайёрланган дамлама жигарнинг ўт (сафро) ишлаб чиқаришини яхшилабгина қолмай, балки унинг таркибини шиллик моддалардан тозалаб, қондаги билирубин миқдорини ҳам камайтиради.

“Сиҳат-саломатлик” журналидан.

дириш учун имкон борида уни яхши сузлар билан тинчлантириб, кўнглини юмшатмоқ ва ишонтирмоқ даркор. Ана шунда ҳар қандай кишида раҳм-шафқат ва меҳрибонлик туйғулари уйғониши шубҳасиз.

\*\*\*

Бир ҳукмдор Эзопдан сўради: “Не сабабдан донишмандлар бойларнинг хузурига келадилар-у, бойлар донишмандларнинг хузурига боришмайди?”

Эзоп шундай жавоб берди: “Бунинг боиси шундаки, донишмандлар ўзларига нима кераклигини яхши биладилар. Давлатмандлар эса билишмайди. Агар билишганда мол-дунё ғамидан яшамасдан, донишмандлик пайида бўлардилар”.

**ЗЕВС ВА ИЛОН**

Зевс тўй қилаётган эди. Ҳамма ҳайвонлар топганларини унга совға қилиб келтиришди. Илон ҳам гул тишлаган кўйи судралиб келди. Зевс илонни кўриб шундай деди: “Мен бошқаларнинг совғасини қабул қиламан. Аммо сенинг тишингдаги тўхфани олмайман”. Масалдан хулоса шуки, ёмон одамларнинг яхшилигида ҳам хатар бор.

“Ҳақиқат манзаралари”дан.  
“Янги аср авлоди”.  
Тошкент-2002 йил.